

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 10-dekabr, chorshanba № 99 (15841)

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2014 йил 10 декабрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Тошкент шаҳрида бўладиган учрашув ва музокаралар чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия ҳамкор-

лигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф доирасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУҚАДДАС ҚЎШИҒИ

10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига 22 йил тўлди. Давлатимиз мадҳияси халқимизнинг бош қўшиғи сифатида дунё бўйлаб баралла янграмоқда. Бу қўшиқ бизнинг ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва кам бўлмаслигимизнинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямиз кўнглимиздан чуқур жой олган. Уни ҳар гал тинглаганимизда вужудимизда сирли ҳаяжон уйғонади, томирларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат, истиқлолга шукроналик туйғулари жўш уради.

(Давоми 3-саҳифада)



Xushxabar

Жавоҳир — жаҳон чемпиони

Ўзбекистонлик 9 яшар шахмат устаси Жавоҳир Синдоров Бразилияда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. У эллиқдан ортиқ давлат вакиллари иштирок этган чемпионатнинг ўғил болалар ўртасидаги мусобақасида 9 имкониятдан 8,5 очко тўплаб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олди. Мазкур жаҳон чемпионатида Жавоҳирнинг укаси Исламбек ҳам қатнашди. Унинг иштироки ҳам ажойиб бўлди. 7 ёшли шахматчимиз бронза медални қўлга киритди.

Ёш оилаларга «Камолот» уйлари» топширилди



2-саҳифага қаранг

Конституциямизнинг 22 йиллиги муносабати билан Ангрэн шаҳрида ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётган ёш оилаларга «Камолот» уйлари»нинг калитлари топширилди. Тантанали байрам тадбирида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар ва уларнинг ота-оналари, кекса отахон ва онахонлар, «Камолот» фаоллари қатнашди.

Bolalar sporti

Тошкент шаҳридаги «Кушбеги» спорт мажмуасида 2002-2003 йилларда туғилган ёш спортчилар ўртасида стол тенниси бўйича «Соғлом авлод учун» мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Эпчиллик, аниқлик ва маҳорат синови

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон стол тенниси федерацияси билан ҳамкорликда ушбу мусобақани анъанавий тарзда ўтказиб келмоқда.

Ушбу турнирнинг финал босқичида республикамизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан тўрт нафардан (2 ўғил, 2 қиз), жами 56 нафар кичик ракетка усталари ғолиблик учун кураш олиб борди. Мусобақа олимпия тизими бўйича ўтказилиб, иштирокчилар яқкалик ва жуфтлик баҳсларида ўзаро куч синашди.

— Мазкур турнирни ўтказишдан асосий мақсад болалар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва спортга бўлган қизиқишини уй-

ғотиш, халқаро майдонларда муносиб иштирок эта оладиган спорт усталарини тайёрлашдан иборатдир, — дейди «Соғлом авлод учун» фонди матбуот хизмати раҳбари А.Эргашев.

«Соғлом авлод учун» кубогининг ўғил болалар мусобақасида ғолиблик Қорақалпоғистон Республикаси вакили Мухриддин Ражабовга насиб этган бўлса, қиз болалар ўртасида андижонлик Хуснора Иминовага тенг келадигани топилмади. Жуфтлик баҳслари ҳам кескин ва муросасиз руҳда ўтиб, ўғил болалар ўртасида қорақалпоғистонлик Мухриддин Ражабов ва Қутлимурод Асомитдинов, қизлар жуфтлигида Андижон вилоятидан Хуснора Иминова ва Гулчирай Турғунова ғолибликни қўлга киритди.

Санжар ИСМАТОВ «Turkiston» мухбири

Saylov — 2014

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

Марказий сайлов комиссиясининг таклифига биноан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун бошчилигидаги кузатувчилар миссияси юртимизга ташриф буюрди. Улар парламент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёни бўйича кузатувни амалга оширади.

3-саҳифага қаранг

Konstitutsiya — baxtimiz qomusi



Фарғонада янги санъат саройи

Бош қомусимизнинг 22 йиллиги арафасида Юртбошимиз ташаббуси билан Фарғона шаҳрида бунёд этилган Санъат саройининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012 — 2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замоनावий уй-жойлар, 20 минг ўринли стадион, таълим ва тиббиёт масканлари, спорт мажмуалари ва хиёбонлар бунёд этилаётир. Айниқса, янги барпо этилган бетакрор меъморий кўриниш ва ўзига хос дизайнга эга сув спорти мажмуаси

шаҳар кўригига кўрк кўшмоқда. Санъат ва маданиятни юксак кадрловчи фарғоналик юртдошларимиз учун вилоятда 4та театр, ўн тўртта музей, 1628та кутубхона ва ахборот ресурс марказлари фаолият юритмоқда. Вилоят марказида бунёд этилган янги Санъат саройи эса Фарғона аҳлига яна бир тухфа бўлди. Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида уйғунлаштирган мазкур кошонанинг эшик ва устунлари шарқона нақшлар билан безатилган. Саройда томошабинлар учун барча шароитлар яратилган. Саҳна ўзгача кўри-

нишга эга бўлиб, унинг атрофига замонавий ёриткичлар ўрнатилган. Қирқ гектар ер майдонини эгаллаган сўлим хиёбон, ундаги мусиқали фавворалар жилоси ташриф буюрган ҳар бир инсонга ўзгача завқ бағишлайди.

Ҳақиқий байрамга айланиб кетган санъат кошонасининг очилиш маросимида турли ва зирлик, идора ва жамоатчилик вакиллари, санъат ва маданият намояндалари ташриф буюрди.

Тадбир доирасида Президентимиз фармонига мувофиқ мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимизга унвон, орден ва медаллар топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чикди.

Санъат усталари, ёш ижодкорлар иштирокидаги концерт дастури барчага кўтаринки кайфият улашди.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири



Ёш оилаларга «Камолот уйлари» топширилди

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Тўрт қаватли, йигирмата хонадондан иборат бўлган ушбу уй табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, телефон тармоғи, электр энергияси билан таъминланган. Мазкур хонадонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 8 сентябрда қабул қилинган «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари бўлган ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилди. Йил охиригача Тошкент вилоятининг Ангрен, Бекобод, Олмалик шаҳарлари, Бўстонлик ва Оҳангарон туманларида яна 135 та «Камолот» уйи» ёш оилаларга топширилиши режалаштирилган.

Шу куни Ангрен шаҳридаги «Маданият маркази»да «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев ҳамда Ангрен шаҳар ҳокими Иброҳим Раҳмонов иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзуида конференция ташкил этилди. Тадбирда юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Турли соҳаларда муваффақиятга эришган бир гуруҳ фаол ва иқтидорли ёшларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Тадбир эл севган хонадалар иштирокидаги концерт дастури билан яқунланди.

Адҳам АХМЕДОВ,
«Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши матбуот хизмати ходими

Конституциямиз қабул қилинганининг 22 йиллиги муносабати билан Қораўзак туманида байрам тадбири ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Муса Ерняязов иштирок этди.

ФАРОВОН ВА ОСУДА ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳияти, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳақида маърузалар қилинди.

Конституциямиз турли соҳа вакиллари ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётгани «Бош қомусимиз — ҳуқуқларимиз кафолати» видеоролиги орқали кўрсатиб берилди.

— Яқинда мактабимизда ўтказилган «Конституция билимдонлари» танловида ғолиб бўлдим, — дейди тумандаги 13-мактаб ўқувчиси Гулжамила Алимova. — Танловда иштирок этиш учун Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилдим.

Мамлакатимизда 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, осойишта ҳаёт кечирмоқда. Улар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик неча асрлардан бери авлодларга мерос бўлиб келаётир. Тадбир доирасида ўзбек, қozoқ, туркман, тожик, рус миллатига мансуб тенгдошларимиз иштирокида «Биз шу юрт фарзандларимиз» номли саҳна кўриниши намоиш қилинди. Унда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик акс этди.

Яна бир янгилик. Байрам арафасида Қораўзакда янги болалар спорт мажмуаси ва намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Қумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — асосий қонун» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

ЎРГАНАМИЗ ВА АМАЛ ҚИЛАМИЗ!

1-курс ўқувчилари томонидан саҳналаштирилган мини конференцияда Бош қомусимизга доир «Қонун ва адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин», «Конституция — давлатимиз сиёсий ва ҳуқуқий фаолиятининг кўзгуси», «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш ва унда акс этган хусусиятлар» каби мавзуларда маърузалар қилинди.

— Анжуманга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқувчилар мустақил ишлашни, мавзу юзасидан изланиб, чуқур билим олишни ўрганди, — дейди коллеж ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент Султонхўжа Арипхўжаев. — Бу улارнинг сиёсий дунёқарашининг ошишига ёрдам беради. Шунингдек, ёшлар глобал муаммолар, маънавий таҳдидлар, ахборот хуружлари ва ғоявий бўшлиқ каби тушунчалардан хабардор бўлиб, улар билан курашиш кераклигини англади.

Анжуман якунида фаол иштирокчилар «Зукко ва билимдон ҳуқуқшунос», «Нотиқлик маҳорати ва ижодий салоҳияти кучли ўқувчи» каби номинациялар бўйича тақдирланди.

Феруза ТЎРАЕВА

Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактабида қутлуғ санага бағишлаб «Конституция — бaxтимиз қомуси» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, ҳуқуқшунослар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

Ижодкорлар Бош қомусимизни чуқур ўрганиш, Ватанни севиш ва эъзозлаш хусусида сўзлади.

Ҳуқуқшунослар эса Конституциямиз ва унинг жамиятда туганган ўрни беқиёс эканини таъкидлади.

Таълим муассасаси педагогик жамоаси ҳамда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган тадбир таассуротларга бой бўлди

Майсапа НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Байрам муносабати билан Миробод туманидаги 214-мактабда ҳам тантанали тадбир ташкил этилди. Унинг доирасида 8-синф ўқувчилари ўртасида тренинг дарси ўтказилди.

Тренингда ўқувчилар 4та шарт асосида беллашди. Улар ижросидаги саҳна кўринишлари, тайёрлаган деворий газета, эмблемалар ҳамда Конституциямиз юзасидан берилган саволларга жавоблари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУҚАДДАС ҚЎШИҒИ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”-ги қонунда белгиланганидек, мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда яшаб турган бошқа шахслар ҳам мадҳиямизни ҳурмат қилиши шарт.

Мадҳиямизда тарихимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, шунингдек, тинчлик, осойишталик, миллатларо тотувлик ва ҳамжиҳатлик каби умуминсоний мезонлар тараннум этилган. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида халқимизнинг, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги учун амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари унинг жарангдор сатрлари замирида мужассам.

Миллий мадҳиямиз Президентимизнинг турли мамлакатларга расмий ташрифлари чоғида, Ўзбекистонга келган хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарларини кутиб олиш маросимларида, юртимизда ўтаётган умумхалқ байрамларида, йирик халқаро анжуманлар, тинчлик ва дўстлик келишувларида, спорт мусобақаларида ва спортчиларимизнинг халқаро мусобақалар шохсупа-

сининг энг баланд поғонасига кўтарилганда баралла янграмоқда.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкураани шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашда мадҳиямиз алоҳида ўрин тутди.

– Мадҳиямизни ўқувчиларнинг нафақат ёдлашига, балки унинг ҳар сатридаги гурурбахш маънони қалбларига сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамыз, – дейди Зангиота туманидаги 44-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Меҳрибон Чориева. – Зеро, юксак ватанпарварлик туйғусини мужассам этган мадҳиямиз ёш авлодни элу юртга муҳаббат, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Давлат мадҳияси даъваткор кучга эга. У халқ ва миллатни бирлаштириш, инсонларни янги-янги зафарларга ундашда муҳим аҳамият касб этади.

... Ҳар тонгни мадҳиямиз садолари билан қарши оламиз. Қалбимизда янги кунга, истиқлолга ва бугунги тинч-осойишта ҳаётимизга шукроналик, келажакка қатъий ишонч туйғуси жўш уради.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА шарҳловчиси**

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Миссия аъзолари билан Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган учрашувда меҳмонларга Бош қомусимиз ва сайлов қонунчилигимиз ҳақида маълумот берилди. Бундан ташқари, халқаро кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурига мувофиқ ўтказилаётган ишлар билан танишди.

– Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси кузатувчилари фаолиятининг асосий тамойили холисликдир, – дейди Владимир Гаркун. — Биз Ўзбекистоннинг миллий қонунчилиги, Ҳамдўстлик доирасида қабул

қилинган ҳужжатлар ва сайловларни кузатиш бўйича халқаро тажрибага таянган ҳолда иш олиб борамиз. Кузатувчиларимиз фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида миссиянинг штаби иш бошлайди ва кузатувларни ташкил этиш билан боғлиқ барча тадбирларни ўтказилади.

Тадбир якунида кузатувчиларга сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир барча тадбирларда ҳамда сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган тегишли намунадаги мандатлар топширилди.

Сайлов қонунчилигимизга кўра, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан бир нафардан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакил-



лари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимизда жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловда Осие, Европа, МДХ, Африка ва Американинг 40га яқин мамлакати вакиллари кузатувчи сифатида қатнашиш истагини билдирган. Яқин кунларда юртимизга Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясидан халқаро кузатувчилар келиши кутилмоқда.

**Жавлон ВАФОВ,
«Turkiston» муҳбири**

Зарарли одатлардан ўйроқлашайлик

Ичкиликбозлик ижтимоий иллатлардан бири. Спиртли ичимликларни доимий равишда истеъмол қилувчилар ўзларини бошқаролмайдиган, руҳан тобе шахсга айланиб қолади. Бу эса инсонни жиноят кўчасига бошлаши ҳеч гап эмас. Афсуски, ичкиликка ружу кўйиш ҳолатлари айрим ёшлар орасида ҳам кузатилади.

Спиртли ичимликлар таркибига этил спирти ҳужайрани сувсизлантиради, тўқималарнинг емирилишига сабаб бўлади. У қонга тезда сўрилиб, барча аъзоларга кириб боради. Бироқ этил спиртининг асаб тизимига таъсири, айниқса, хавфли бўлиб, асаб тўқималарининг меъёрда ишлашига тўсқинлик қилади.

Алкоголь миядаги “очлик маркази”га таъсир қилиб, маълум бир вақт инсонда очлик ҳиссини йўқотади. Шу туйғуни ичувчи одам очликни ҳис этмайди, лекин шу вақтда озуқа етишмаслигидан мадори куриб, ҳолдан тояди. Алкоголь организмнинг репродуктив функциясига ҳам зарар етказиб, ногирон фарзандлар дунёга келиш эҳтимолини оширади.

— Алкоголизм ижтимоий хатарга эга, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали талабаси Рустам Ҳожиев. — Зеро, мазкур иллат инсон турмуш тарзи ва меҳнат фаолиятининг бузилишига олиб келади. Спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш натижасида кишида руҳий ва жисмоний қарамлик шаклланади.

Бу эса оғир касалликдир. Алкоголизм бир неча босқичда ривожланади. Биринчиси, бошланғич ёки невротеник босқич. Бунда организм алкоголь истеъмол қилишга мослашиб боради. Кейинги норкоманик босқичда кишида руҳий қарамлик юзага келади. Сўнгги босқичда жисмоний қарамлик аломатлари: қалтираш, уйқунинг бузилиши, ҳолсизланиш кузатилади.

Спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи ёшлар ўқишни, ишни ташлаб, улфатчилик, айш-ишратга берилиб кетади. Алкоголь ёш авлодни ҳалокатга бошлайдиган душмандир. Ичкилик охир-оқибатда ахлоқсизлик, безорилик, оилаларнинг бузилиши, жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар содир этилишига олиб келади.

Бу зарарли одат саломатликка путур етказиб, энг хавфли касалликларга дучор қилади. Шундай экан, вақтимизни фойдали машғулотларга сарфлаб, спорт билан шуғулланайлик. Соғлом турмуш тарзига амал қилайлик.

Озода РЎЗИМОВА

ЗУККО ЁШЛАР МАСКАНИ

Қарши шаҳридаги “Нуристон” академик лицейида 940 нафар ўқувчи замон талаблари асосида таълим олмақда.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ мазкур таълим масканида ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Сиз қонунни биласизми?», «Ҳуқуқ билимдонлари» кўрик-танловлари, Конституцияни ўрганиш ва ҳуқуқшунослик фанларидан ички олимпиадалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Лицейнинг ёш ҳуқуқшуносларидан иборат жамоа жорий йилда «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловида «Энг зукко жамоа» номинацияси ғолиби бўлди.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(ЎзА) олган сурат**



Sogʻlom turmush tarzi tarafdorimiz

Соғлом турмушга имлатларга жой ўйқ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши ёшлар орасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида «Ёшлар орасида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш» мавзуида тарғибот ойлигини ўтказмоқда.

Ойлик доирасида «тенгдош-тенгдошга» тамойили асосида мини-сессиялар, семинар-тренинглар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирлардан бири вилоят Ёшлар марказида ташкил этилди. Ушбу тадбирда вилоят ОИТСга қарши кураш маркази, Республика саломатлик ва тиббий статисти-

ка институти Қашқадарё вилояти филиали, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маъна-

вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ёшлар қатнашди.

Тадбир давомида соҳа мутахассислари мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, зарур маълумотлар берди. Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Биз соғлом турмуш тарзи тарafdоримиз» номли буклетлари тарқатилиб, акция тарғиботчиларига Ҳаракатнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Қизгин баҳс-мунозара тарзида давом этган тадбирда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

**Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» муҳбири**

2014-yil — Sogʻlom bola yili

Ёш истеъдодлар учун гўзал либослар

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, юксак маънавиятли, мустақил ва теран тафаккур соҳиблари этиб вояга етказиш, йигит-қизларнинг эзгу орзу-интилишларига қанот бағишлаб, уларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Истиқлол йилларида юртимизда миллий маданият ва санъатимизни ривожлантириш, уни жаҳон бўйлаб кенг тарғиб этиш учун барча зарур шарт-шароит яратилди. Ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртининг моддий-техник базасини мустақамлаш, улардаги ўқув дастурларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ёшларимизнинг жаҳон ва миллий мусиқа санъатини пухта эгаллашларида кенг имкониётлар яратмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида санъат йўналишида фаолият кўрсатаётган иқтидорли болалар ва ўсмирларнинг ижодий интилишларини рағбатлантириш мақсадида мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида махсус дизайн асосида миллий либослар ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «То-моша» болалар мусиқий те-

атр-студияси, «Булбулча», «Ором» ашула ва рақс ансамллари, «Тантана», «Севинч» фольклор-рақс жамоаларига ушбу либосларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирга ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим масканлари педагог-мураббийлари, иқтидорли болалар, талабалар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раисининг ўринбосари Г.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, ёшларнинг манфаатларини муҳофазалаш ва истеъ-



ЎЗА фотомухбири Отабек МИРСОАТОВ олган сурат

додини тўлиқ намоён этишига кўмаклашишга йўналтирилган кўплаб дастур ва лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини таъкидлади.

«Осиё рамзи» дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамда «Шарқ либослари» дизайнерлик маркази ҳамкорлигида болалар бадий жамоалари учун ишлаб чиқарилган мазкур либослар миллий хусусиятлар ва замонавий дизайндаги моделларни уйғунлаштиргани билан эътиборга лойиқдир. Ушбу кийимларни тайёрлаш жараёнига мамлакатимиздаги «Junior style», «Istiqlol tekstil dizayn», «Iftixor kiyim sanoat» масъулияти чекланган жамиятлари каби ихтисослаштирилган тўқимачи-

лик корхоналари ҳам жалб этилди.

Мато ва ранг, миллий анъана ва қадриятлар уйғунлиги, анъанавий нақшлар, болалар дунёқарашига мос турли безаклардан фойдаланилган либослар коллекциясида атлас, адрас, беқасам каби матолардан кенг фойдаланилган.

— Юртимизда ёшларнинг ўқиб-изланиши, ўз иқтидорини намоён қилиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, — дейди «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов. — Бу эътибор ва ғамхўрлик ўғил-қизларимизни эзгу мақсадларга чорлаш,

уларнинг жипслиги, аҳиллиги, бирдамлигини таъминлашга хизмат қилади.

— Уч йилдан буён рақс сирларини ўрганмоқдаман, — дейди «Тантана» фольклор-рақс жамоаси аъзоси Муниса Саидаббировова. — Бизга берилган бу бежирим кийимлар келгусида янада юксак парвозлар сари ундайди.

Болалар бадий жамоаларининг концерт дастури барчага кўтаринки руҳ бахш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири

Tengdosh portreti



Гулжаҳон Сейтназарова Кегейли туманида туғилган. Айти пайтда Қорақалпоқ давлат университети-нинг журналистика факультети талабаси.

Ҳаммасига улғурадиган қиз

Ёшлигидан адабиётга меҳр қўйган тенгдошимиз болаларнинг сеvimли нашри «Жеткеншек» газетаси билан ижодий ҳамкорлик қилиб келади. Ижод намуналари матбуот нашрларида эълон қилинган. 2010 йилда «Баҳорим келди» ва «Бахтли қизлар» тўпламлари чоп этилди.

Тенгдошимиз мактаб давридаёқ бир қатор танлов ва фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашган. Жумладан, «Наврўз ва миллий қадриятларимиз», «Қишлоғим — олтин бешигим», «Юрт келажиги», «Ёш ижодкор талаба» каби танловларда ғолиб бўлди.

Гулжаҳон республикамиз ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий конференция, адабиёт ва журналистикага доир семинар-тренинг, давра суҳбат-

лари ва учрашувларнинг фаол қатнашчиси, йигирмадан ортиқ илмий мақола муаллифидир. У 2012 йили «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури»да, бу йил эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ўтказилган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг билимдон иштирокчи» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

Бугунги кунда Гулжаҳон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши қошидаги «Ёш журналистлар» клубида тренер сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Зарафшан УМАРОВА,
Қорақалпоқ давлат университети талабаси

Етакчининг малакаси — эртанги кун самараси

«Камолот» ЁИХ қошидаги Ўқув-услугий марказнинг вилоят координаторлари томонидан Ҳаракатнинг маҳаллий кенгашлари етакчи мутахассислари учун ўқув семинар ташкил этилди.

Семинарда қатнашчилар бошланғич ташкилот тузиш, ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш, ёшларни аъзоликка қабул қилиш қоидалари, ҳужжатлар йиғма жилдлари номенклатурасини юритиш тартиби ҳақида керакли маълумотларга эга бўлди.

— «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати тизимида фаолият олиб борадиган ҳар бир ходим ташкилот ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак. Шундагина у ўз ишини пухта ва масъулият билан бажаради, — дейди Ҳаракатнинг Урганч тумани кенгаши етакчи мутахассиси Машхура Бекчанова.

Фойдали акция

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалида «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Оиладаги тинчликдан дунёдаги тинчлик сари» мавзуда ёшлар акцияси ўтказилди.



Акция доирасида мавзуга доир расмлар танлови, видеоролик намойиши, «Бекатлар» лойиҳаси, ўзбек жанг санъати бўйича ёш спортчиларнинг кўргазмалари чиқиши ташкил этилди. «Камолот»

фаоллари ёшларнинг Ҳаракат фаолиятига доир билимларини синовдан ўтказди.

Акцияда фаол қатнаш-

ган ёшлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шахло САФАШЕВА

С.УМАРОВ:

«САНЪАТГА НАҚҚОШЛИК ТЎТАРАТИДАН КИРИБ КЕЛТАНМАН»

Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Саидкомил Умаров билан суҳбат



Саидкомил Умаров

1946 йилда туғилган. Тошкент шаҳридаги 22-мактабда ўқиган. Театр ва рассомлик (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтида таҳсил олган. 1977 йилда Республика ёшлар мукофоти совриндори, 1989 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 2000 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонлари, 2014 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби бўлди. Шу кунгача Ўзбек миллий академик драма театрида 150дан ортиқ, телевидениеда 50, кинода 25га яқин роль ижро этган.

— Саидкомил ака, яқинда давлатимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландингиз. Умрингиз Ўзбек миллий академик драма театрида ўтмоқда. Театр иккинчи уйингизга айланиб, ҳаётингиз санъатга боғланиб қолган, шундайми?

— Камтарона меҳнатим юксак кадрланиб, эъзозланганидан мамнунман. Биз — санъаткорларга кўрсатаётган ҳурмат-эътибори, ёшлар маънавиятини юксалтириш, театр ижодкорларини янада руҳлантириб, кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз. Ўз ўрнида, бу орден зиммамизга юксак инсоний ғояларни тарғиб этувчи, замонамиз қахрамонлари образи яратилган мукамал саҳна асарларини яратишдек долзарб вазифа, катта масъулиятни юклайди. Қолаверса, яқинда театримизнинг 100 йиллиги муносиб нишонланди. Президентимизнинг Ўзбек миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр жамоасига йўллаган табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Айниқса, у кишининг «Сиз, азизлар мамлакатимиз театр санъатининг энг яхши анъаналарини бойитиб, янги авлодларга безавол етказасиз, юксак бадиият ва ҳаққоний, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган етук асарларингиз билан халқимиз, аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман», деган сўзларининг ўзи бизга руҳий мадад, куч-қувват бахш этди.

— Суҳбатимиз бошида, иложи бўлса, анъанавий саволлардан қочайлик, дегандингиз. Аммо, барибир таниқли инсонларнинг шахсий ҳаёти, болалигига кўпчилик, айниқса, ёшлар кўпроқ қизиқади. Қолаверса, қай бир жиҳати ёшлар учун ибрат бўлиши табиий. Сизнинг болалигингиз қандай кечган?

— Болалигимиз урушдан кейинги йилларнинг оғир даврларида Тошкентнинг Тахтапул мавзесида ўтган. Падари бузрукворимиз Ҳамро ота темир йўл депосида ишчи, онамиз Зебунисо ая уй бекаси бўлган. Уларнинг беш нафар фарзанди кетма-кет нобуд бўлавергач, катталар ирим қилиб, турар жойларингизни ўзгартиринглар, деган. Шу сабаб Ганга мавзесидан Тахтапулга кўчишган. Бу ерда тўрт ўғил, икки қизли бўлганлар. Тўнғич қизига Пўлатой, ўғлига Султонмурод деб исм қўйган. Отамиз ўзи оддий ишчи бўлсада, ўткир зехли, шоиртабиат, маърифат-

га ташна инсон эди. Ҳеч биримизга, мактабни тугатиб, ишлаб пул топ, демаган. Олий маълумотли бўлишимизни истаган ва шароит яратган.

Уйимизга яқин жойда ҳарбий қисм бўларди. Солдатлар турли жойлардан келган. Улар учун ҳар якшанба куни фильм кўйиларди. У ерга биз, беш-олти ёшли болалар девордан яширинча ошиб тушардик. Солдатларнинг бизга ўхшаган фарзанди ёки укаси бордирки, болаларга меҳрибон эди. Бизни шинелларининг ичида яшириб ўтирарди. «Тарзан», «Чапаев» каби фильмларни томоша қилардик. Мен экрандан тушаётган нур, пайдо бўлаётган тасвирдан ҳайратланардим. Актёрларга қараб, булар ким, бу ерга қаердан кириб қолган, деб ўйлардим.

Ўқувчилар саройида ҳар хил тўғараклар бор эди. Мен наққошлик тўғарагига қатнардим. Қиши таътил пайти эди, биров кўлимга таклифнома тутқазди. Таклиф қилинган жойга борсам, ўқувчилар бири тулки, бири бўри, яна кимдир бобо бўлиб роль ўйнапти. Билсам, драма тўғараги аъзолари экан. Қизиқиб, бу тўғаракка қатнаша бошладим. Ёш бўлсам-да, санъат, санъаткорлар ҳақидаги суҳбатларни яхши кўрардим. Бир куни ёши катта одам билан шу мавзуда гаплашиб қолдик. Ҳалиги киши гап орасида, актёрлар шуҳратпараст бўлади, деди. «Актёр, одамлар мени танисин, олқишласин, деб роль ўйнамайди, бу — санъат-ку!» дедим. Жаҳлим чиқиб, фикрини инкор қилдим. Ўрта мактабни битираётган, тўғаракка қатнаб юрган маҳалим «Ўзбекфильм» қошида студия ташкил қилинганди. Мен бир пайтнинг ўзида ҳам мактаб битириш имтиҳонларини, ҳам студияга кириш имтиҳонларини топширганман. Синовлардан муваффақиятли ўтдим, студияга қабул қилишди. Бирданига сьемкага олиб кетишди. Ёшлик эмасми, кино орқасидан кетиб қолиб, театр институтининг қабулидан кечкибман.

— Халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)да таҳсил олгансиз, қандай қилиб санъаткор бўлгансиз?

— Халқ хўжалиги институтининг иккинчи курсида ўқиётгандим. Студиядаги домлаларимнинг ҳаммаси театр ва рассомлик институтида дарс беради. Улар мендан: «Саидкомил, истеъдодинг бор, нега театр институтида ўқимайсан?» деб кўп сўрарди. Шундан сўнг, мендан бир нарсани айтиш мумкин экан, деган ишонч пайдо бўлган. Аммо ўқиётган институтимдан ҳужжатларимни осонликча беришмаган. Куёш Пўла-

тович (фамилиясини эслолмаяпман) деган деканимиз жуда яхши инсон эди. «Бу институтда ўқишни кўплар орзу қилади-ку, болам, сен нима қиляпсан?» деган. «Опкет-масам бўлмайди», деганман. Ҳайдовчиликка ўқияпман, деб тилхат ёзиб аттестатимни олганман. Қолганини театр институтидаги домлаларим ўртага тушиб, имтиҳондан ўтиши билан қайтариб беради, деб олган. Шундай қилиб, Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олдим.

— Сизни «Алишер Навоий» спектаклида Навоий, «Бобур»да Фазлиддин, «Кеча ва кундуз»да Мирёкуб, «Тақдир синовлари»да Жайрон, «Сенга бир гап айтаман»да Йўлдош, «Отелло»даги Кассио каби ролларингиз орқали яхши таниймиз. «Дунёнинг ишлари»! Бу видеофильмни такрор-такрор томоша қилганмиз. Қахрамон ижросининг самимийлиги, ҳаётийлиги боис, кўпчиликнинг қадрдонига айланган ушбу фильмнинг яратилиш тарихи ва у билан боғлиқ хотираларни бир эсга олсак. Суратга олинганига неча йил бўлди, асарда бош ролни ижро этган ўғил Саидкомил Умаров ўшанда неча ёшда эди?

— Фильм 1981 йилда суратга олинган. Режиссёр Мираббос Мирзахмедов. Суратга олиш учун беш-олти ой вақт кетган. Фильмда фарзанднинг она қабрига бориб, айтадиган гаплари бор эди. Съёмкадан олдин биз — режиссёр, операторлар биргалиқда асар муаллифи Ўткир Ҳошимовнинг уйига бордик. Ўткир ака уйда экан, пешвоз чиқди. Кўришдик. Кейин ҳаммамиз Дўмбирободга, аянинг хоклари ётган қабристонга бордик. Режиссёр менга: «Дарвозадан кириб келасиз-да, қабр томонга ўтасиз, монологни ўша ерда айтасиз», деди. Сценарийда: «Онажон, мана қабрингизда гуллар униб чиқибди, чучмомалар униб чиқибди» деган гаплар бор эди... Хуллас, сьемка қилинди, кўзёшлар билан. Ўткир ака менга: «Бировнинг онасининг қабрида ҳам шунчалик йиғлайдими, Саидкомил?!», деди. «У киши фақат сизнинг онангизмас, барча ўзбекнинг онаси», дедим. У киши кўнгли тўлиб: «Раҳмат, раҳмат», дея олди, холос.

Уч-тўрт кундан кейин кадрларни кўрсак, оператор фақат кўларимни суратга олаверибди-ю, кўзёшларга аҳамият бермапти. Режиссёрга эса юз ифодаси, кўзёшлар керак эди. У киши, қайтадан оламиз, деди. Қандоқ бўларкан? Нега операторни огоҳлантирмагансиз, ахир, бунақа ҳолат ҳадеганди келавермайди-ку, маълум тайёргарлик бўлиши керак, дедим. Йўқ, бошқатдан оламиз, деб туриб олдилар. Қарасам, бутунлай бошқа жойлар. «Мираббос ака, аянинг қабрига бормаймизми?», десам, «Йўқ, Сағбонда ола қоламиз», деди. Ўша ерда қайта суратга олинди. Лекин менинг ҳам, режиссёрнинг ҳам кўнглимиз тўлмади. Хафа бўлдим. Мендан ички руҳий ҳолат бутунлай чиқиб кетди. Чунки қутилмаган, бегона жой. Одатда, созанда бирор куйни чалишдан аввал чолғусини созлаб олади, кейин куйлайди. Актёрнинг сози — унинг вужуди, қалби. Ўшанда «соз»дан чиқиб кетдим гўё. Бироз ранжиб қайтиб келдик. Кейин, учинчи марта студияда тасвирга оладиган бўлдик. Катта темирга, тўнқанинг устига «қабр» ясаб қўйишибди. Учта саҳна шу ерда олиниши керак экан. Бу эса катта тайёргарликни талаб қиладиган оғир саҳна эди. Улар энгил саҳнадан бошлашди. Режиссёр бақириб турибди, ҳа, ҳа деб. Барибир ҳали ҳам менда кечинмаларнинг, ўйларнинг таъсири бор экан, кўзёшлар энди кўпайиб кетди. Тугагандан кейин Мираббос ака, Саидкомил, яхши бўлди,

деди. «Йўқ, энди кўзёш кўпайиб кетди», дедим. Тасвирларни кўришаётганда бошқалар ҳам шундай дебди. Буни эшитгач, режиссёр ўша жойларини шарт-шарт кесиб ташлабди. Уни кесмасдан, матнни қисқартириб мусиқа фониди юзни, кўзёшларни кўрсатавериш керак эди. «Дунёнинг ишлари»нинг ана шундай тарихи бор. Ўшанда 35 ёшда эдим.

— Инсон қайси касбда бўлмасин, униб-ўсиши, юксалиши учун маънавий раҳнамо — устози бўлиши шарт. Сизга тўғри йўл кўрсатган, ўғитлари қалбингизга муҳрланган инсонлар ким?

— Яхши инсонларнинг шогирди бўлиш, улар қўлида таълим-тарбия олиш ҳам катта бахт. «Ўзбекфильм» студиясида устозлардан кўп нарсани ўрганган эканман. Ёшлиқда буни кўпам англаб етмас экансан, киши, энди ҳис қиляпман. Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева, Арсен Файзуллаев, Носир Отабоевдан таҳсил олдик. Улуғ санъаткорлар билан юриш, бирга нафас олиш одамни ҳар томонлама тарбиялаб борар экан. Жамоамизнинг ҳар бир аъзосини устоз деб биламан, чунки улардан ҳам нимадир ўрганаман. Республика эстрада ва цирк коллежида етти йил, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида икки йил ёшларга сабоқ бердим. Улар билан спектакллар кўйиш бахтига муяссар бўлдим.

— Ўткан кунлар романини инглиз тилига таржима қилган мутаржимлардан бири «Ўткан кунлар» бугунги китобхона учун ҳар жиҳатдан ибрат бўла оладиган, ўзбек бўлиб туғилиш фахрини янада юксалтирадиган ва бутун бир инсоният миллати ҳақида сўзловчи романдир», дея баҳолаган эди. Шу кунларда сиз ушбу асардаги Мирзакарим Қутидор образини яратяпсиз. Қахрамонингизга мозийдаги одам сифатида қарайсизми ёки уни замондошингиздек қабул қила оласизми?

— Мирзакарим Қутидор оғир-босиқ, ўта мушоҳадали, меҳрибон ота. Яккаю ёлғиз қизи, бори-бисоти Кумушбидини яхши йиғитга узатиб бахтли бўлишини жуда истагани ва шу йўлда ҳаракат қиладди. Унинг кўпгина фазилатлари бугунги кун оталарига ибрат. Шу жиҳатдан, мен унга нафақат мозийдаги одам, балки замондошим деб ҳам қарадим. Ҳар қандай зиддиятни, муаммони вазминлик, ақл билан ҳал қила оладиган, маънавиятни моддийдан устун қўядиган оталаргина ҳақиқий ота бўла олади.

— Кўшиқ ҳам қуйлай оласизми?

— Йўқ, хиргойи қиламан, холос. Аммо яхши куйга тузуккина рақсга туша оламан.

— Масалан?

— «Муножот»га. Шу куй чалинса, билганлар: «Ана, Саидкомилнинг куйи» дейди.

Бутун борлигини санъатга бағишлаб келаётган актёр Саидкомил Умаров ижросидаги роллар ҳақида кўп гапириш мумкин. Халқимизнинг севимли санъаткорига 100 билан юзлашган навқирон театрда яна кўплаб такрорланмас образлар яратиш бахти насиб этсин, деймиш.

«Turkiston» муҳбири
Майсапа НАЗАРОВА
суҳбатлашди.

Hunari borning — xazinasini bor

14 Ёшли Ҳайкалтарош

Бир неча соат олдин оддий тупроқ кўринишида бўлган нарсанинг хунарманд кўлида бетакрор санъат асарига айланишини кузатиш қандай мароқли! Кулол ёки Ҳайкалтарошлар ишига гувоҳ бўлган ҳар қандай киши бундан лол қолиши тайин.



Ривоятларда айтилишича, қадимда одамлар донни саватларда сақлаган. Дон сават тешиклари орқали ниш чиқармаслиги учун унинг ичи лой билан суваб кўйилган. Кунларнинг бирида шундай сават оловга тушиб кетади. Унинг устки қамишпоеси куйиб, натижада илк кулолчилик буюми ҳосил бўлади.

Ўн тўрт ёшли Нурбек Худойкулов ҳам аждодлар меросини давом эттиришга сидқидилдан киришган ёшлардан. Олти ёшидан ушбу хунарга қизиқиб қолган фарзандининг иқтидорини ўз вақтида пайқаган онаси Нурбекни маҳаллада яшовчи

куллол-хунарманд Нарзулла Жўраевга шогирд қилиб беради. Мактаб ёшига етмасданок кулолчилик сирларини ўрганишни бошлаган Нурбек тез орада лой билан ишлашни ҳам ўрганиб олади.

— Менга чиройли Ҳайкалчалар ясашни ўргатинг, дея олдимга келган болакай ҳали ҳам кўз ўнгимда, — дейди Нарзулла уста. — Аввалига жуда ёш бўлгани учун ўрганиб кетишига кўзим етмаганди. Аксинча бўлиб чиқди. Нурбек ҳатто ўзидан катта шогирдларимдан ҳам ўтиб, чиройли буюмлар ясай бошлади. Касбимизда асосийси кунт ва сабр. Нурбекда бу си-

фатлар мужассам. Лойни пишитишнинг ўзи бир маҳорат. Чунки яхши пишитилмаган лойдан яхши буюм ясаб бўлмайди. Буни англаган ёш Ҳайкалтарош ишга ўзгача иштиёқ билан ёндашди ва уддасидан чиқди. Ўрганиш бир хунар, ўргатиш икки хунар деганларидек, отамерос бу касбимизни шундай иштиёқманд ёшларга ўргатиш ўзимиз учун ҳам завқли.

Чиндан ҳам инсонда бирор касб ё хунарни ўрганишга хоҳиш ва қизиқиш бўлса бас, унга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Аллома Маҳмуд Қошғарий «Девони луғотит-турк» асарида илмли, ақлли одамларга яхшилик қилиб, сўзла-

рини тингла. Илмларини, хунарларини ўрганиб, амалга ошир, деб ёзади.

Қаҳрамонимиз Термиз шаҳридаги 15-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси. Унинг ижодий ишларини кўрган кўплаб дўстлари ҳам бу хунарни ўрганишга қизиқиш билдирмоқда.

— Биринчи устозим Нарзулла Жўраевдан миннатдорман. Кичкина бўлишимга қарамай, кўлимдан тутиб иш ўргатди, — дейди Нурбек Худойкулов. — Ҳозир Термиз шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактабидан ташкил этилган кулолчилик тўғарагига қатнаяман. У ерда менга Хосият Юсу-

пова устозлик қилмоқда. Яқинда яқунлаган «Полапон» номли янги асарим кўпчиликка манзур бўлди. Бу йил ишларим билан «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида муваффақиятли қатнашдим. Танловда кўп истеъдодли тенгдошларим билан дўстлашдим. Улар ясаган кулолчилик буюмлари билан танишдим. Бундан кейин ўз устимда янада кўпроқ ишлаб, шу хунарнинг ҳақиқий устаси бўлиш ниятидаман.

**Назokat
ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири**



San'at

Конституцияга бағишланган экспозиция

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида ёш рассомларнинг Конституцияга доир яратилган санъат асарлари намойиш қилинди. Экспозициядан ўқувчи-ёшларнинг 180дан зиёд тасвирий ва амалий санъат намуналари ўрин олган.

Кўргазма Халқ таълими вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Достон Абдумуратовнинг «Натюрморт», Нилуфар Аннақулованинг «Пейзаж», Омонбой Қайпназаровнинг «Коинот», Нағметулла Ҳамидуллаевнинг «Куз», «Қишдаги овул» картиналари, шунингдек, Феруза Ембергенова, Насиба Матназарова, Меҳрибон Заримова, Гули ва Дилбар Атаубоевнинг миллий каштачилик буюмлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Зарафшон УМАРОВА

Суръатни ошираётган Сабина

Ҳозир Сабинанинг бисотида олтин ва кумуш. Бу ютуқлар — спортга, ғалабага интилишнинг самараси. Бу йил 15 ёшли Сабина Умарова учун кетмакет ғалабалар даври бўлди. Унинг ютуқларидан ота-онаси, мураббийлари қувонди, фахрланди. Ҳаммаси ўз-ўзидан бўлгани йўқ...

Сабина Умарова 1999 йилда Ғаллаорол шаҳрида туғилган. Шу ердаги 44-умумтаълим мактабидан ўқиб юрган пайти, яъни 2011 йили 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг энгил атлетика тўғарагига қатнай бошлади. У бу даврда туман, вилоят миқёсидаги, қолаверса, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида ғалабага эришди. 2012-2013 йилларда Ғаллаорол шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилди. Бу йил эса Сабина маррани янада баланд олди. 11 — 14 март кунлари Қарши шаҳрида 1999 — 2000 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иштирок

эти. 10 — 12 сентябрь кунлари Гулистон шаҳрида ўтказилган 1999 — 2000 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги 400 метрга тўсиқлар оша югуриш мусобақасида Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритди. Сал вақт ўтиб, 24 — 26 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида 1997, 1998, 1999 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 400 метрга тўсиқлар оша югуришда кумуш медаль соҳиби бўлди.

Сабина Ўзбекистон чемпиони бўлди, дея устозлари, яқинлари фахрланиб юрган кунларнинг бирида унинг Марказий Осиё чемпиони бўлганини эшитиб, дастлаб қулоқларига



ишонмади. 4-5 октябрь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё чемпионатида 300 метрга тўсиқлар оша югуришда унга етадиган топилмади.

— Мен Сабинани дастлаб мактаб стадионида югураётганини кўриб қолиб, ўзим ишлаётган 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг энгил атлетика тўғарагига жалб қилган эдим, — дейди мураббий Бахтиёр Жалолов. — Чунки унда турли масофаларга югуриш учун чинакам иқтидор бор эди. Тўғарақда — машғулотлар давомида кўрсатмаларимни дарров уқар эди. Биринчи марта, яъни «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг туман

босқичида иштирок этишнинг керак деганимда, у ўрин ололаманми, йўқми дея иккиланган эди. Ушбу мусобақанинг туман босқичида биринчи ўринни олди. Шундан сўнг ўзига ишонч пайдо бўлди, тиришқоқ қизга айланди. Ана шу ишонч уни катта ғалабаларга етаклади, деб ўйлайман.

Айни пайтда Сабина Умарова Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Жиззах олимпия захиралари коллежида таҳсил олмоқда. Коллеждаги мураббий Алишер Толлипов билан Қатар давлатининг Доха шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

**Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири**

Iste'dod

Чолғуға меҳр қўйган ёшлар

Ўзбекистон давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган «Созлар навоси» ёш мусиқа ижрочилари республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танловда 15-30 ёшгача бўлган уч мингга яқин истеъдодли ёшлар орасидан танлаб олинган туман, шаҳар босқичларида юқори натижаларни қўлга киритган 107 нафар ёш иқтидорли намойиш этди. Иштирокчилар дамли, урма-торли, урма-зарбли ва камонли чолғу йўналишлари бўйича беллашди. Ёш ижрочиларни консерватория профессор-ўқитувчилари ва юқори малакали мутахассислар баҳолаб борди.

Урма-торли чолғулар йўналишида 1-ўринни Тошкент шаҳридан Жавохир Туратов қўлга кирит-

ган бўлса, 2-ўрин андижонлик Фотима Ориповага, 3-ўрин эса наманганлик Гулмира Хусановага насиб этди.

Урма-зарбли чолғулар йўналиши бўйича ўтказилган баҳслар ҳам қизгин кечди. Жумладан, 1-ўринга Андижон вилоятидан Салоҳиддин Аҳматиллаев, 2-ўринга навоийлик Ўктам Раббимов ва 3-ўринга тошкентлик Зухриддин Абдуллаев муносиб кўрилди.

Дамли чолғулар йўналиши бўйича 1-ўринни Тошкент шаҳридан Тоштемир Шукруллаев эгаллаган бўлса, камонли чолғулар йўналишида бош

соврин Қорақалпоғистон Республикасидан Венера Бердибоевага насиб этди.

— Ёшларимиз жаҳон ва ўзбек классик мусиқаси дурдоналарини юксак маҳорат билан ижро этиб, барчани хушнуд қилди. Улар дунёга машҳур бастакорларнинг асарларини ижро этаркан, юртимизда мусиқа санъатининг юксалиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Албатта, танловда қатнашган ёш санъаткорларнинг аксари жаҳон саҳнасига чиқиб кўзи пишган. Биз, устозлар ўз меҳнатимиз роҳатини шогирдларимизнинг ижросида кўрамиз, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти Қахрамон Назаров.

Мезробли чолғулар йўналиши бўйича кечган беллашувларда фарғона-

лик Абдуманноп Абдураҳмонов 1-ўринни эгаллаб ўзига билдирилган ишонч-ни оқлади.

Савриндорлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан, ёшларнинг маданият ва санъат соҳасидаги истеъдодини аниқлаш ва маҳоратларини намоён этиши учун ижодий майдон яратиш, мусиқа орқали уларнинг маданий савиясини юксалтириш, ўзбек миллий санъати аънаналарини тарғиб қилиш, ривожлантириш асосий мақсадимиз, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Дилфуза Қаршиева.

Тадбир якунида ёш санъаткорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий қобилиятини юксалтириш учун илк бор ўтказилган «Созлар навоси» ёш мусиқа ижрочилар танловини ҳар йили ўтказиб боришга келишиб олинди.

Феруза ТЎРАЕВА

Айём шукуҳи

Конституциямиз қабул қилинганининг 22 йиллиги Чилонзор туманидаги «Яккабоғ» маҳалласида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. «Бахтимиз қомуси» деб номланган тадбирда депутатлар, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, нуруний отахону онахонлар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда аҳолининг турмуш фаровонлиги ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш,

айниқса, ёш авлод қалбида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда Бош қомусимизнинг аҳамияти беқиёс экани таъкидланди.

— Маҳалламиздаги 2223 нафар

аҳолининг аксар қисми ёшлар, — дейди «Яккабоғ» МФЙ раиси Хислат Ғозиев. — Бугунги тадбир мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловда фуқароларимизнинг фаол ва уюшқоқлик билан иштирок этишига муносиб ҳисса қўшади.

Тадбирда иқтидорли ёшлар ва боғ қошида ташкил этилган «Улугбек юлдузлари» ансамблининг хонандалари ижросидаги куй ва кўшиқлар барчага манзур бўлди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Turkiston» муҳбири

Mutaxassis oghoh etadi

ЎЗИНГИЗНИ ВА ЎЗГАЛАРНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Ёнғин келтириб чиқарувчи омиллардан бири хазон барглари дидир. Негаки, кўчалардаги қуриган хазон ва шох-шаббаларнинг ўз вақтида тозаланмаслиги, махсус жойларга олинмай, ёқиб юборилиши оқибатида кўплаб ёнғинлар келиб чиқмоқда.

Бундай нохуш ҳолатлар баъзи юртдошларимизнинг ўчирилмаган сигарет қолдиқларини эътиборсизлик билан хазон ва шох-шаббалар орасига ташлаб кетиши натижасида ҳам юзага келмоқда. Бу каби ёнғинлар моддий зарар етказиш билан бирга, инсон саломатлигига ҳам жиддий хавф солмоқда. Ачинарлиси, эътиборсизлик оқибатида келиб чиққан баъзи ёнғинлар инсонлар умрига зомин бўлмоқда. Шу боис, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, нафақат ёнғин хавфсизлиги ходимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини унутмайлик. Хазонларнинг ёқилишига асло йўл қўйманг!

Н. АБДУЛЛАЕВА,
Мирзо Улугбек тумани ИИБ ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар мамлакатимиз бўйлаб «Ёнғин хавфсизлиги» ойлиги ўтказилмоқда. Ойлик доирасида фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиши, ёнғинлар натижасида ҳам ўзининг, ҳам ўзганинг мол мулкига, энг ачинарлиси, ўз соғлигига зарар етиши мумкинлиги тўғрисида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда.

Ойлик давомида барча корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар ўтказилиб, ёнғинларнинг олдини олиш ишларига кенг жамоатчилик жалб этилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги бурчақлари ташкил этилиб, қишки мавсумда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида учрашувлар ташкил этиляпти. Қўлбола газ ва электр мосламалардан фойдаланмаслик зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

Нурбол МАМЕНОВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант

Бир кунлик саёҳатдан бир олам таассурот

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чирчиқ шаҳар кенгаши ташаббуси билан бир гуруҳ иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг пойтахтга саёҳати ташкил этилди. Улар саёҳат давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Шаҳидлар хотираси майдонида бўлди.

Ёшлар дастлаб Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, бу ерда нафақат юрт-



дошларимиз, балки хорижлик сайёҳлар эътиборини ҳам ўзига жалб этиб келаётган буюк Соҳибқирон бобомиз яшаган даврга оид ранг-баранг экспонатлар, ноёб буюм-

ларни томоша қилди. Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, турли давлатлар ҳукмдорлари билан олиб борилган ёзишмалар, нодир ки-

тоблар, тангалар, қурол-аслаҳалар, уй-рўзғор буюмлари, миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъатига оид намуналар билан танишди. Чирчиқлик ёшлар Шаҳид-

лар хотираси майдонида халқимиз ўтмиши ҳамда юрт озодлиги йўлида жонини фидо қилган қатагон қурбонлари ҳаётига оид қимматли экспонатлар орқали тарихимизга доир билимларини мустаҳкамлади. Боболаридан фахрланиб, шундай озод юртда яшаётганликларига шукрона айтди.

Китобга меҳри баланд бу ёшлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ҳам борди. Бу ерда китобхонлар учун яратилган шароитлар билан танишиб, ўзлари қизиққан соҳа бўйича ўқув заллардаги адабиётларни томоша қилди.

С. ТУРСУНБОЕВ,
«Камолот» ЁИХ Чирчиқ шаҳар кенгаши мутахассиси

Biznesga ilk qadam



Сурхондарёлик Беҳзод Жовлиев 19 ёшида «Полиграф Файз Барака» хусусий корхонасини очди. Ҳозир унинг корхонаси полиграфия хизматларини кўрсатиш ҳажми бўйича вилоятда иккинчи ўринда туради.

— Термиз шаҳрида фаолият кўрсатамиз. Махсулотимизга талаб катта, — дейди ёш тадбиркор. — Айниқса, бюджет ташкилотлари кўп мурожаат қилади. Улар учун ҳатто 30 фоизгача чегирмаларимиз бор. Корхонада мен билан бирга яна тўрт нафар коллеж битирувчиси меҳнат қилади. Келгусида бизнесимни кен-

гайтирмоқчиман. Биринчи мўлжалим — махсулот тури ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишдан иборат.

Жорий йилда Беҳзод «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг аънавий лойиҳаси — «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, банкдан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тенгдошимиз бу имкониятдан самарали фойдаланмоқчи.

Наргиза БАҲОДИРОВА

«O'zbekiston belgisi» ko'krak nishoni sohiblari

Ирода Авезова,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати
Когон тумани кенгаши раиси:

— Кўп йиллардан буён ёшлар билан ишлайман. Уларнинг ҳар бири ўзгача олам. Турфа фикрли, дунёқарашли кенг инсонлар билан ишлаш қизиқарли. Масалан, бир таклиф ўртага ташланса, уни амалга ошириш учун шунчалик кўп гоё ва ташаббус билан чиқишадими, ўзинг ҳам лол қолсан.



Фикрлар хилма-хиллиги «аравани турли томонга тортиш» эмас. Тенгдошларимиз турлича тафаккурга эга бўлгани билан мақсадлари муштарақдир. Барчамиз юртимиз янада раванқ топини хоҳлаймиз. Шу мақсад бизни бирлаштириб туради. «Камолот»нинг улкан оиласига қўшилган, ёшлар бирлашиб катта куч бўла олишини шахсий тажрибамда кўриб, амин бўлдим. Когон туманида 26 минг нафарга яқин йигит-қиз, Ҳаракатнинг 33та бошланғич ташкилот етакчиси бор.

Эзгу савий-ҳаракатлар туфайли ёшлар ҳам ўзгаряпти, янаям фаол бўлишга, ўзини намоён этишга ҳаракат қиляпти. Айниқса, жойларда «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан ўтказилаётган «Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси, суд органлари вакиллари билан мунтазам учрашувлар уларнинг сиёсий онгини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу ҳам мустақил, демократик давлатнинг пойдеворини мустаҳкамловчи омилдир. Бугун давлатимизнинг юксак эътибори намунаси бўлган «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини кўксимга тақдим. Мукофотланганлар орасида ўз истеъдоди билан жаҳон миқёсида тан олинган инсонлар бор. Гарчи Олимп чўққисини забт этмаган бўлсам-да, шунга қодир, шижоатли ёшларни кашф этишда муносиб ҳисса қўша олаётганим мен учун шарафдир.

Vatan manzaralari

Самарқанд тасвири

Самарқандда элчилар билан содир бўлган воқеа баёнидан сўнг шаҳар ҳамда салтанатнинг ўзи ҳақида, унинг улувворлигини ошириш борасида подшоҳ қандай ишлар қилганлиги хусусида ҳикоя қиламан.

Самарқанд шаҳри текисликда жойлашган бўлиб, атрофи тупроқ қалъа ва чуқур хандақ билан ўралган. Самарқанд (яъни унинг тупроқ қалъа ичкарасидаги қисми) Севилья шаҳридан хиёл каттароқдир. Тупроқ қалъадан ташқарида қурилган кўп уйлар шаҳар атрофидаги турар-жойлар ҳисобланади. Бутун шаҳар атрофи баъзи жойлари бир ярим, баъзан икки лига (1 лига 5572 метр. — Таҳририят.) масофага чўзилган боғлар ва тоқзорлар билан ўралган. Боғлар ораллигидаги кўча ва майдонларда аҳоли истиқомат қилади, нон, гўшт ва бошқа кўплаб нарсалар билан савдо қиладилар. Хуллас, тупроқ қалъадан ташқарида қурилган бинолар шаҳар ичкарасидан хиёла кўп эди. Шаҳардан ташқаридаги боғларда эътиборли йирик хонадонлар, подшоҳ



саройлари ва бош омборхоналар жойлашган. Бундан ташқари, бу боғларда кўплаб шаҳарлик зодагонларнинг уй ва бошқа бинолари ҳам бор. Боғ ва тоқзорлар шу қадар кўп эдики, кириб келаётганингизда шаҳар бамисоли баланд дарахтлардан ҳосил бўлган ўрмон ўртасида жойлашгандай кўринарди. Шаҳар бўйлаб ва боғлардан кўплаб ариқлар ўтказилган. Шу боғлар ораллигида анча-мунча қовун ва пахта экилган. Бу мамлакатнинг қовуни жуда мўл ва ширин эди. Ҳар куни шу қадар кўп қовун ортилган туялар келар эдики, бу қовунлар қай йўсинда харид қилиниб, қандай истеъмол этилишига ажабланмаслик мумкин эмас.

Қишлоқларда қовун шу қадар

мўлки, қуришиб, қовунқоқи қилиб, келаси йилгача сақлайдилар. Қовунқоқини қуйидагича тайёрлайдилар: қовунни кўндалангига катта-катта қилиб тилмиллаб кесадилар, пўчогини арчиб офтобга қўядилар. Қуригандан кейин қовун бўлақларини устма-уст тахлаб, қопга соладилар ва шу тарзда келгуси йилгача асрайдилар.

Шаҳардан ташқаридаги кенг ялангликда сараҳоли йирик қишлоқлар бўлиб, уларда подшоҳ забт этган мамлакатлардан келтирилган одамлар истиқомат қиладилар.

(Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 — 1406 йиллар)» китобидан)

Зукко мухлисга савол:

У 20 ёшигача отаси Соҳибқирон қаватида бўлиб, ҳарбий юришларда фаол қатнашган. Амир Темур 1397 йилда унга Хуросон, Сеистон ва Мованнарон ҳокимлигини бергач, 1405 йилгача Хуросон ҳукмдори деган ном билан кифояланган...

Айтинг-чи, гап қайси темурий подшоҳ ҳақида бормоқда?

Жавобингизни 12 декабрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
Зарафшон.

Тошкент шаҳридан Нуриддин Холматов, Наманган шаҳридан Мурувват Қамбаралиева тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур қилмондан бир қатра

Эй дўст, улуғларни иззат қил, фойдасиз ҳар нарсанга аралашиб ва тортишувдан сақлан.

Аҳмад Югнакий

ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

«TURKISTON»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Ўзбекистон ёшларининг бош наشري — «Turkiston» 2015 йилда ҳам сизнинг таслақдошингиз, ҳамроҳингиз бўлади.

«ОБУНА — 2015»

